

ТУРКИСТОН БАЁЗЧИЛИК АНЬАНАСИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Шукрова Зилола Юсуфовна¹

Аннотация. Ушбу мақолада араб диёрида пайдо бўлган ва Туркистон ўлкаларида ривожланиб тараққий этган баёзларнинг тарихий эволюцияси ҳамда ривожланиш босқичлари ҳакида сўз боради.

Калит сўзлар: Туркистон, баёз, кашкул, девон, антология.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос тарихини, шеъриятга муносабатини акс эттирувчи маънавий бойликлари бўлади. Ана шундай бойликлардан мумтоз адабиётда лирика ўзига хос ўринга эга. Аждодларимиз томонидан яратиб қолдирилган гўзал шеър намуналари турли манбалар, девон, баёз, куллиёт, тўплам орқали етиб келиб, шу орқали адабиёт намояндаларини, шоирларни кашф қиласиз. Булар орасида баёзлар турли даврда яшаб ўтган шоирларнинг ижодини бир ерга тўплаб халқа тақдим қилиниши билан дикқатга сазовордир.

Баёзларнинг келиб чиқиш тарихига назар ташласак, улар дастлаб араб адабиётида VIII-XII асрларда пайдо бўлган². Унинг пайдо бўлиши шунчаки тасодифий ҳодиса эмас, балки ҳаётий зарурият сабабидан юзага келган. Кўпгина шоирлар ўзигача яшаб ўтган салафларининг ижодидан баҳра олган, уларнинг услубини, шоирона тасвир усулларини қўллаш маҳоратини ўрганганди. Бу эса ўзи севган, ёқтирган шоирларнинг ижодини бир ерга тўплаш ва ундан баҳра олиш эҳтиёжини туғдирган. Ёхуд оғзаки ижро қилинган ижод намуналари қачонлардир ўзгаришга учраши ёхуд йўқолиб кетиши сабабидан шеърият ихлосмандларида аждодлари томонидан яратилган улкан меросни қоғозга муҳрлаш эҳтиёжи пайдо бўлди. Бу анъана тез орада турли ҳудудларда тарқалиб, Ўрта Осиёга қадар етиб келди. Ўрта Осиёда эса баёз тузиш анъанаси қачон пайдо бўлгани ҳақида аниқ бир тарихий маълумот ҳозирча аниқлангани йўқ. Бироқ “қўллэзма институтларида сақланаётган баёзлар орасида энг қадимиysi XV асрга тўғри келиши олимлар томонидан аниқланган”³. Демак, шу давр оралиғида баёз тузиш шаклланган.

Кейинчалик шоирлар шеърларини тўплам ҳолига келтириш турли ҳудудларда ёйилиб, баёз тузиш анъанаси кенг ривожланди. Хусусан, Ўрта Осиёда баёзларнинг дастлабки намунаси XV асрда учраса, бу анъана XX асрга қадар давом этди. Ҳозирги кунда ҳам баёзларнинг замонавий кўринишдаги вариантларини учратиш мумкин. Бироқ баёз тузиш анъанасининг энг гуллаган даври XIX - XX асрларга тўғри келади. Бу даврда баёзлар шоирлар ижоди билан таништиришда муҳим адабий қўлланма вазифасини бажаргани ҳолда яратилиш ҳудуди ва хусусиятига кўра бир-биридан фарқлана бошлади. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос баёзчилик мактаблари вужудга келиб, танланган шоирларнинг ижоди, ғазаллардаги мавзу тематикаси ва бошқа хусусиятларига кўра маълум бир характерга эга бўлди. Баёзлар оммалашуви натижасида хизмат кўрсатиш турлари ҳам ўзгара бошлади. Шу жиҳатидан баёзларнинг ёзилиш мақсадига кўра куйидаги турларга бўлиб ўрганишни маъқул кўрдик.

3. Шоҳ, амир ва юқори мансабдаги шахсларнинг буйруғига кўра ёзилган баёзлар;

¹ Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси, PhD 2 Каранг. Ҳ.А.Гибб. Арабская литература. М., ИВЛ. 1960, 36-80 стр; Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. –Т. Фан, 1976. 80-бет.

³ Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. –Т. Фан, 1976. 80-бет. 82-бет

4. Қуи табақа шеър ихлосмандлари учун ёзилган баёзлар;
5. Бирор соҳа вакиллари учун ёзилган баёзлар.

Шоҳ, амир ва юқори мансабдаги шахсларнинг илтимосига қўра ёзилган баёзлар бошқа турдаги баёзлардан бир қанча хусусиятлари билан фарқланади. Аввало, баёз учун танланган маҳсулотларнинг энг сифатлиси ва юқори малакали хаттот ва котибларнинг ишлашида кўринади. Бу турдаги баёзлар чиройли хатда ёзилгани учун китобхон ўқишида қийналмайди. Мисол тариқасида Абу Райҳон Беруний номидаги қўллозалар институти Ҳамид Сулаймон каталогида № 2505 инвентар рақами билан сақланаётган қўллозмани таҳлил қиласиз.

Китоб муқоваси тўқ яшил рангда. Икки хил рангдаги кичик нақшлар турунж ва ўртада битта тўқ кизил рангдаги лола нақш бор. Бу нақшлар муқовага ўйиб ишланган. Китоб жуда яхши сақланган. Муқова юзидағи бир кисмининг йиртилганини ҳисобга олмаса деярли нуқсонсиз етиб келган. Бироқ мазкур баёзнинг ёзилиш санасига доир фарқли маълумотлар бор. Каталогда берилган тавсифга қўра баёз **1304/1886** йилда Кўқонда **Мирзо Мухаммадий Бухорий** томонидан кўчирилган деб берилади. Бироқ матннинг айрим саҳифаларида китобнинг ёзилиш тарихига оид мулоҳазали ўринлар учрайди. 65 бетда қўйидаги мисралар келади. “Агар кўрсанг китобимда хатолик. Ўзимни сўк vale сўкма отамни мулло **Узокҷон Ҳўқандий 1302 йил**” деб ёзилган. Матн сўнгидаги сўзлар ёзилган “Асари кунад шумо ро таммат тамом дуои салом **1306 йил катаба мирзо Мухаммадий Нажорий**” деб ёзилган.

Кўқон қофозида настаълиқ хатида қора ва қизил сиёҳ билан ёзилган. Хатининг икки хиллигига қараганда буни битта хаттот кўчиримаган. Бошланиши чиройли настаълиқда ёзилган. Ўрталарида эса хунук хат билан ҳам ёзилган жойлари бор. Демак, китоб устида икки котиб ишлаган. Балки иккинчи котибнинг ёзуви хунуклиги сабабли биринчи котиб китобни давом эттирган.

Китобнинг бошланиш қисми сақланиб қолган. Китобнинг дастлабки саҳифасининг икки жойида тамға туширилган ва унинг ичида **Мулло Абдусамад Мутаваллий** деб ёзилган. Бу шахс катта эҳтимол билан китобга кейинчалик эгалик қилган шахс бўлиши керак.

Матн **“Китоб дебочаи девон Амирхон амир Фарғона жаннатмакон...”** деган сўзлар билан бошланади. Шундан сўнг шарқ китобатчилиги анъаналари асосида Басмала ҳамда форс-тохик тилида битилган ҳамд, наът билан бошланган.

Амирий тилидан берилган бу дебочада унинг шоҳлик фаолияти ёритилган: юртни қандай бошқаргани ва нималарга аҳамият бергани, халқ учун нима ишлар қилгани кабилар ҳақида туркий тилда ёритилган. Шунингдек илм аҳлининг пешвоси сифатида ҳам шоирларга, олимларга ҳурмати, уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун қилган хайрли ишлари: шеър базмларини ўтказгани, ҳар бир шоирнинг қобилиятига қараб тақдирлагани кабилар ҳақида ҳам шоҳ тилидан ёзилган.

Амирий кунларнинг бирида шоирлар мажлисида ўтирганида баёз тузиш фикри келиб қолганини ва барчага манзур бўлган шеърларни битта қилиб йиғишини кўнглига келтирганини айтади: “Бир кун хусусий мажлисда Закий таъби Зуфнунийларким сўз гавҳарларини асиротлари эрдилар. Ҳар неча абётлар бамаъни булбулнаво гулчехралар сурудини ижтимоъ қилиб хат ёйиб ўз жойларин тўлдурууб қўл қовуштурууб илтимос қилдиларким, агар ҳазраталаридин рухсат олий мұяссар бўлса бу шоҳ ва гавҳарларким ажр сафҳаларида берибондор ва бу он силкида мунтазир бўлуб ёзилса, қаю ғазал ўз баҳрида тартиб бирла битилса алзи кўрунур. Нечукким **каломул мак Малукул** камдур. Мабодо гул авроқларидек хаводислар танд бо биданд сочилиб зоеъ бўлғай деб тазарруъ қилдилар. Дедиларким, Гул ҳарфи лис фи қартос зоеъ ноҳар ул кироми жамоа илтимосларин қабул қилмоқдин ўзга чора топмадим. Ва ул тасубадот ожизалариким баъзиси туркий суманбарлар савдосидин туркий тил бирла айтилғон ва баъзиси тожик парюшларин сарву

қадди ҳавосида форсий лафз бирла ёзилғон эрди. Ул мажмуада ҳозир қилиб сувни мадғиқлари орасида ўртаға солди ва ул завқ фунунлар хабарида сағжаларин бир-бирила хат қилиб ҳар баҳрини бир бўлак бирла айриб тартиб бирла жаъм қилдилар. Андин сўнгра фатонат моб маҳорат актоб котибэгри зиёллариға эътимод қилиб ва ўзларин номавзун тийра табиатлариға мағур бўлуб ҳазра сўзлари бирла сафоҳат кургузсалар қисомдек тил келиб юzlари қаро бўлсуней. Тамом шуд дебочаи девонаи сайд Амирхон амир Хўқанд Кустантания (Кистантаний)".

Шундан кейин яна басмала берилади ва шеърлар бошланади. Ғазаллар ҳамд билан бошланган. Шундан кейин Амирий ўзининг ғазаллариға Амир тахаллуси остида намуналар беради:

Эй кўзда юндуңг ҳайрат асоми тамошо,
Наззора ҳуснунг гул баҳора тамошо⁴.

Шунингдек, шоир ўзи севган шоирларнинг ғазаллариға мухаммас ҳам битган. Жумладан, Бедил, Навоий, Сойиб (тожикча ғазал) кабиларнинг ғазалига мухаммас битган. Ҳусусан, Навоий ғазалига ёзган мухаммаси қуидагича:

Юошим ўлсун поймол тарки савдо айласа
Хира бўлсун кўз жамолингдин тийра айласа
Жонға ўт тўшсун агар бўлак таманно айласа
Кўнглум ўртансун агар ҳайрига парво айласа
Ҳар кўнгул ҳам санинг шавқингни ҳидо айласа⁵.

Шунингдек, баёзда ғазал, мухаммас, мусаддас, таржибанд, тахмислар, маснавий, қасида, баҳри таъвил, муножот, ҳикоят каби жанрлар учрайди.

Баёзда Жомий, Навоий, Гулшаний, Касрат, Хаё, Ҳотиф, Рандий, Макнун, Машраф, Фазлий, Амир, Адо, Вазир, Майюс, Афсус, Дабир (Дахир), Нусрат, Ҳижлат, Равнақ, Нола, Васлий, Сойиб, Толеъи, Назирий, Комилий, Ҳилолий, Қосимий, Мўъмин, Фозий, Кошиф, Кисрат, Фоний, Зоҳид, Сайд Нуриддинхон Тўра каби шу давр оралиғида яшаган 36 нафар шоирнинг туркий ва форс-тожик тилидаги ғазаллари; Зийнат, Фазлий, Ҳотиф, Мушфиқий қасидалари; Фозий таржибанди; Сайдо мухаммаслари; Наъти Гулшаний; муножот Жомий кабилар берилган.

Баёз сўнгига 18 варакдан иборат кичик ҳажмдаги варак қўшилган. Бу вараклар кейинчалик қўшилган бўлса керак. Хати бошқа ва матнга тикиб қўйилган. Ушбу қўшилган варакда ҳам Амирий ғазалааридан намуналар берилади.

Кўрди нозанинлардин текма gирёнlar
Тўқди мардум ҷашмим қатра-қатра маржонлар⁶.

Қизиғи шундаки, шоирларнинг ғазалларидаги қофияга эътибор берилса барчасининг ғазаллари қофиядош сўзлар билан тугаган. Масалан:

84 а Вазир
Лаълинг орзусидин кўзларим тўкуб қонлар,
Бўлди шоҳ маржондек ҳасратида мужгонлар.

84 б Нола
Қолди то кўнглим ичра билганлар,
Топти равнақ андоқким ғунчадек гулистанлар.

85 б Афсус
Зулфи мубталосидин ҳар қаён париионлар

⁴ Абу Райхон Беруний номидаги қўлёзалар институти Ҳамид Сулаймон каталогигида № 2505. 11 а бет

⁵ Абу Райхон Беруний номидаги қўлёзалар институти Ҳамид Сулаймон каталогигида № 2505. 15 а бет

⁶ Абу Райхон Беруний номидаги қўлёзалар институти Ҳамид Сулаймон каталогигида № 2505. 83 а бет

Кўнгил ўтлиғ яъни неча хонавайронлар

86 б Дабир (Дахир)

87 а Ҳотиф

Эй юзунг шифоидин тоза юр иймонлар

Орзаингни этмарлар дин учун мусулмонлар

Демак, ушбу ғазалларнинг қофиядошлигига кўра шоирлар бир-бирларининг ғазалларига тахмислар боғлаганлар. Ва ижодий ёндашганлар.

Ушбу баёз Амирий томонидан тузилгани учун асосан ўз ижодига оид шеърлари киритилган. Шунингдек ўзигача яшаб ўтган устоз деб билган шоирлар ҳамда замондош шоирлар ижодидан намуналар берилган. Энг муҳими, Амирий бу баёзни ёзилишида ўзи алоҳида эътибор қаратган. Шу жиҳатдан ушбу баёзниң илмий адабий қиммати катта.

Умуман олганда, баёзларнинг тарихий тараққиёти ва ривожланиш босқичларини кўздан кечирад эканмиз, XV асрларда бошланган баёзчилик анъанаси XX асрга келиб ўзининг ривожланиш чўққисига чиқди. Натижада баёзлар нафакат шоирлар шеърларини аждодлардан авлодларга етказувчи манба, балки фан ва санъатнинг турли соҳаларига алоқадор маълумотлар жамланмаси ролини ҳам бажарди.

Адабиётлар Рўйхати:

1. Ҳ.А.Гибб. Арабская литература. М., ИВЛ. 1960, 36-80 стр; Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. –Т. Фан, 1976. 80-бет.
2. Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. –Т. Фан, 1976. 80-бет. 82-бет
3. Абу Райхон Беруний номидаги қўллёзалар институти Ҳамид Сулаймон каталогида № 2505.